Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 24 апрель, № 83 (7313) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президентимиз Қозоғистон раҳбарини жорий йил 9 июнь куни ўтказилиши режалаштирилган навбатдан ташқари Қозоғистон Республикаси Президенти сайловига номзод этиб илгари сурилгани билан қутлади ва ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг ўтказилишида муваффақият тилади.

Давлат раҳбарлари Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг жорий йил 14-15 апрель кунлари Ўзбекистонга илк давлат ташрифи натижаларини юксак баҳоладилар.

Эришилган келишувларни ҳамда саноат, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳаларни изчил амалга ошириш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва туризм йўналишларида фаол ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ишбилармонликка оид тадбирлар ва маданий-гуманитар алмашинувларга бой дастури қардош халқларимизнинг янада яқин бўлишига хизмат қилиши таъкидланди.

Қозоғистон Президенти табрик ва самимий тилаклар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Мулоқот сўнгида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни стратегик шериклик, кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига таянган ҳолда мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларини ҳар томонлама ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган болаларнинг ҳуқуқларини амалда кафолатлаш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий етук авлод бўлиб етишишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Белгилаб қўйилсинки:

ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган тураржойларни улар Меҳрибонлик уйларига жойлаштирилган, васийлик ёки ҳомийлик органининг розилигига кўра васийликка ёки ҳомийликка олувчи билан бирга яшаётган бутун вақт мобайнида, **ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бронлаштириш ҳуқуқи берилади**;

болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқаролигидан қатъи назар, уларга **барча ижтимоий хизматлар кўрсатилади**;

болаларнинг давлат органларига бевосита қилган **мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланади** ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важлари билан бу турдаги мурожаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга мурожаат қилмаган ҳолларда 14 ёшга тўлган бола ўзининг таъминоти учун ота ёки онадан ёхуд ота-онаси билан бирга яшамаётган бўлса, бир вақтнинг ўзида ота-онанинг ҳар иккаласидан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли;

болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилган даъвогар **давлат божи ва бошқа тўловларни тўлашдан озод қилинади**.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва кенг жамоатчиликнинг:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — **Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимини жорий этиш** ва Котибият тузилмасида бола ҳуқуқларини таъминлаш фаолиятига кўмаклашувчи бошқарув ходимларининг чекланган сони 2 нафардан иборат сектор тузиш;

2019 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикасида эркаклар ва аёллар учун **никоҳ ёшини ўн саккиз ёш этиб белгилаш**;

қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойиллари ва умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилиши ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, фитосанитария, санитар-эпидемиологик, ветеринария, экологик назорат органлари ва сертификатлаш органлари (кейинги ўринда — ваколатли органлар) фаолиятини ўрганиш натижалари уларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтувчи товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан назорат функцияларини амалга ошириш самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш, шу жумладан, идоралараро электрон ҳамкорликни жадал жорий қилиш орқали такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4059-сонли қарорида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг (кейинги ўринларда — “Ўздавкарантин” инспекцияси) 2021 йил 1 январга қадар БМТнинг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш ва электрон иш амалиётлари бўйича маркази томонидан ишлаб чиқилган “ягона дарча” механизмини яратиш бўйича тавсиялар ва йўл-йўриқ тамойиллари мезонларига жавоб берадиган “Ягона дарча” божхона ахборот тизимини (кейинги ўринда — “Ягона дарча” БАТ) жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

“Ягона дарча” БАТни жорий этишда ташқи иқтисодий фаолият (кейинги ўринларда — ТИФ) субъектларига қуйидаги имкониятларни яратадиган механизм назарда тутилсин:

импорт, экспорт ва транзитга тааллуқли барча тартибга солиш талабларини бажариш мақсадида стандартлаштирилган маълумотлар ва ҳужжатларни ягона ўтказиш каналидан фойдаланган ҳолда тақдим этиш;

ахборот алмашинувнинг махфийлиги ва хавфсизлигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий база билан мустаҳкамлаган ҳолда, ташқи савдо битимларига доир барча ахборотларни алмашиш;

давлат божхона хизмати, ваколатли органлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсат этувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг босқичларини масофадан кузатиш;

барча учун очиқ бўлган электрон шаклдаги рухсат этувчи ҳужжатлар реестрларини (кейинги ўринларда — Реестрлар) юритишга тўлиқ ўтиш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлардаги эпизоотик, карантин ва фитосанитария ҳолатлари тўғрисидаги очиқ маълумотларни энг сўнгги кўрсаткичлар ҳолатида ушлаб туриш;

дастлабки маълумотлар асосида товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига амалда етиб келишига қадар рухсат берувчи характерга эга ҳужжатларни бериш.

(Давоми 2-бетда).

Тарихий Ипак йўлидаги алоқалар кенгаймоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан жорий йил 24 — 27 апрель кунлари “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форуми тадбирларида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Хитойда бўлади.

Ҳамкорлик

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари мазкур форматдаги йиғилишда иккинчи маротаба қатнашмоқда. Бундан аввалги “Бир макон, бир йўл” биринчи халқаро форуми 2017 йилнинг 14-15 май кунлари 29 давлат ва ҳукумат раҳбарлари, шунингдек, йирик халқаро ташкилотлар мутасаддилари иштирокида ўтказилган эди.

“Бир макон, бир йўл” ғояси 2013 йилнинг сентябрида Хитой раҳбарияти ташаббуси билан “Ипак йўлининг иқтисодий белбоғи” ва “XXI асрнинг денгиз Ипак йўли” лойиҳалари бирлаштирилиши натижасида пайдо бўлганди.

Унинг асосий вазифалари сифатида Осиё, Европа ва Африка минтақалари билан ўзаро боғлиқликни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш этиб белгиланди. Бу жараёнда лойиҳанинг ҳамкор давлатлари иқтисодий фаровонликка эришиш, маданий алмашинув ва турли цивилизациялар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш, тинчлик ҳамда барқарор ривожланишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

2014 йилда “Бир макон, бир йўл” концепцияси расмий равишда Хитой Халқ Республикаси раҳбарияти томонидан ташқи сиёсатнинг асосий таркибий қисми сифатида эълон қилинди. Унинг замирида Буюк Ипак йўли руҳини давом эттириш, пировардида эса Евросиё транспорт йўналишларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Умуман олганда, мазкур ташаббусни ҳаётга изчил татбиқ қилиш мақсадида Хитой томони Осиё, Африка ва Европанинг 65 мамлакатини, жами 4,4 миллиард киши (жаҳон аҳолисининг 65 фоизи)ни жалб этишни мақсад қилган. Бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 55 фоизи, глобал энергетика захираларининг 75 фоизи айнан ушбу давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Маълумотларга кўра, мазкур лойиҳанинг тахминий қиймати 21 триллион АҚШ долларидан иборат.

Бунда расмий Пекин ҳамкор давлатларнинг манфаатларини инобатга олишга ва “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг иштирокчи-мамлакатлар миллий ривожланиш стратегиялари билан ўзаро кесишган ёки туташ нуқталарини топишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

“Бир макон, бир йўл” лойиҳасини молиялаштириш, асосан, Хитой ташаббуси билан тузилган Осиё инфратузилма инвестициялари банки ҳамда Буюк Ипак йўли жамғармаси орқали амалга оширилади.

Ўтган беш йил мобайнида Хитой “Бир макон, бир йўл” доирасида 103 та мамлакат ва халқаро ташкилотлар билан 118 та ҳамкорлик шартномасини имзолади. Шунинг натижасида Хитой билан товар айирбошлаш ҳажми 6 триллион АҚШ долларига етди. Хитойнинг хорижий мамлакатларга тўғридан-тўғри инвестицияларининг ўртача йиллик ўсиши 7,2 фоизни ташкил этиб, 70 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди.

2

ТАФАККУР ЖАВОҲИРИ

Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай.

Имом ал-Бухорий

Президент ташрифидан сўнг

Самарқанд вилояти:

Самарқанд вилояти замонавий, яхши ривожланган ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация, ижтимоий инфратузилмаларга эга экани, инсоний ва интеллектуал салоҳияти билан бошқа кўпгина ҳудудларимизга нисбатан устун туради. Яъни Самарқанддаги имконият ҳамма жойда ҳам мавжуд эмас.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Адрас кийган француз қизи

Регистон майдонидаги тарихий обиданларни ҳайрат билан суратга олаётган аёлни четдан кузатиб, ҳечам француз хоними демайсиз! Эгнидаги узун адрас кўйлагию нимчасидан тортиб юриш-туриши, ўзини тутишигача чинакам ўзбекона!

“Бу — ўша машҳур Фредерик Бопертью-Брессанд хоним, — изоҳ беради ҳамроҳимиз, — тарихчи олима. Франциядаги “Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар” ассоциацияси президенти...

3

Дил сўзи

Жанубий Корея Президентининг университетимизга ташрифи унутилмас воқеадир

Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларини қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. 2014 йили Тошкент шаҳрида Инҳа университети очилгани бу борадаги алоқаларда муҳим воқеа бўлди.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида ушбу таълим даргоҳи фаолияти билан танишиши унинг икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликда нечоғли катта ўрин тутишидан далолатдир. Нуфузли меҳмон университетда алоҳида эътибор ва кўтаринкилик билан кутиб олинди. Бу ташрифдан ғоятда хурсанд бўлдик.

Президент Мун Чжэ Ин Ўзбекистон ва Корея Республикаси ҳамкорлигида амалга оширилиши режалаштирилган телемедицина лойиҳаси тақдимоти билан танишди.

Бугунги кунда ахборот технологиялари мутахассислиги нафақат Ўзбекистон, балки дунё бозоридаги талаб кучли бўлган касблардан биридир.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ушбу йўналишда ёшларнинг замонавий билим олиши ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликларга эга бўлишида муҳим ўрин тутмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда компьютер ва дастурий инжиниринг ҳамда логистика йўналишлари бўйича 1300 дан ортиқ талабалар таҳсил оляпти. 2018 йили университетнинг биринчи 100 нафар битирувчисининг аксарияти Ўзбекистондаги нуфузли компания ва ташкилотларда фаолият юритаётир. Қолган қисми Жанубий Корея ҳамда бошқа давлатларнинг етакчи университетларида магистратурада ўқишни давом эттирмоқда.

3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ 2018 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

2019 йил 23 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар ўз конституциявий ваколатлари доирасида Ҳисоб палатасининг 2018 йилги ҳисоботини кўриб чиқдилар.

Мажлисда Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари О. Рустамов ҳисобот билан сўзга чиқди.

Таъкидлаш жоиз, ҳисобот дастлаб сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари томонидан кўриб чиқилди. Фракцияларда ўтказилган муҳокамаларда депутатлар парламент назоратини амалга ошириш ва қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, назорат-таҳлил тадбирларига фуқаролик жамияти институтларининг вакилларини фаол жалб этиш юзасидан парламент ва Ҳисоб палатасининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган қатор таклифларни ишлаб чиқдилар.

Ахборотда қайд этилганидек, Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, жумладан, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда бошқа ҳужжатлари асосида ташкил этилди. Асосий эътибор Давлат бюджетининг

шаклланиши, даромадларни кўпайтириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва топшириқлари, олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларининг ижросини таъминлашга қаратилди.

4

ДЕПУТАТЛАР БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

2019 йил 23 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, тиббий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада яхшилашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлис кун тартибига киритилган барча масалалар сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида дастлабки тарзда қизғин муҳокама қилинган эди.

Мажлисда дастлаб “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Президентимизнинг 2018 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси кечиктириб бўлмайдиган вазифа — бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, татбиқ этилаётган мақсадли дастурлар билан бир қаторда, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган халқ табобатини ривожлантириш, уни ҳуқуқий томондан мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик тизимини шакллантиришга қаратилган.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2019 йил 24 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида **бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақлидир**. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли органлар (шахслар) боланинг манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда оқилона ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, жиддий омил сифатида кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларини назарда тутувчи қарорни қабул қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ва Олий суди уч ой муддатда боланинг оқилона ва мустақил фикрлаш қобилиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази тизимида фуқаролар билан ўзаро алоқани амалга ошириш ва шошилинч руҳий, психотерапевтик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш учун мўлжалланган “ишонч телефони” (республика доирасида ягона қисқа рақам бўйича ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган “тезкор алоқа”) ташкил этилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Марказга мазкур “ишонч телефони” орқали болаларга кўмаклашиш механизмларини жорий этиш ҳамда махсус имкониятларга эга бўлган веб-сайтни ишга тушириш тавсия этилсин.

5. Ўн саккиз ёшга тўлмаган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни, агар унинг ота-онасидан бири, васийликка ёки ҳомийликка олган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосга кўра яшаш ҳуқуқига эга бўлса, қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборишга йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаган, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки тураржой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаган, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаган ҳолларда;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этган жинояти учун суд томонидан белгиланган жазо ижро этиб бўлинган ёки ўтаб бўлинганидан кейин ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ҳолларда.

6. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан Меҳрибонлик уйи ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун қўшимча равишда **бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталарини ажратиш тартиби жорий этилсин**.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси икки ой муддатда иловага мувофиқ, оналик ва болаликка оид статистик маълумотларни stat.uz веб-сайтига жойлаштиришни ва маълумотларни доимий равишда янгилаб боришни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ФҲДЁ органлари билан туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашиш тизимининг тўлиқ ишлашини таъминлашга ҳамда муассасаларга оптик толали алоқа тармоғини ўрнатишга қаратилган “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ҳамда йил якунига қадар мазкур тизимнинг тўлиқ жорий этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонунга ушбу қарордан келиб чиқадиган ҳамда унинг фаолиятини янада такомиллаштиришга ва жамоатчиликнинг кенг иштирок этишини таъминлашга қаратилган ўзгартиришларни киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2019 йил 1 сентябрга қадар:

а) Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва Адлия вазирлиги билан биргаликда қуйидагиларни назарда тутувчи **“Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми ҳамда бундай болаларни тарбиялаш учун жойлаштириш шакллари;

фарзандликка олувчи оилаларни тайёрлаш ва уларга кўмаклашиш тартиби;

етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий ҳимояси, мулкий ва номулкий ҳуқуқларининг кафолатлари;

етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқий ёрдам олиш ва суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш;

етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар Меҳрибонлик уйлари ва интернатларни ўқиб тугатганидан кейин уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш;

б) Адлия вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган тураржойларни улар Меҳрибонлик уйларига жойлаштирилган, васийлик ёки ҳомийлик органининг розилигига кўра васийликка ёки ҳомийликка олувчи билан бирга яшаётган бутун вақт мобайнида, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бронлаштириш тартибини белгиловчи ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда болалар уйлари, ногирон болалар учун Мурувват интернат уйлари, сил касаллигига қарши болалар санаторийси, Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари ва мактабгача таълим муассасаларида суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш ва қонунийликни таъминлашга қаратилган жамоат назоратини ўрнатишни назарда тутувчи амалий механизмни жорий қилишни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ билан биргаликда уч ой муддатда:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига:

болага нисбатан ишлатиладиган тазйиқ ва зўравонликлар турлари ҳамда унинг олдини олишга оид чораларни;

судгача ва суд жараёнида жиноят процесси иштирокчиси бўлган болаларни ҳимоя қилишга қаратилган қўшимча кафолатларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни;

б) Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунига ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобга олиш ўрнига, уларнинг жамиятга мослашувини таъминловчи механизмларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни;

в) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни ёлланма сифатида жалб этиш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди, шунингдек, ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш жинояти учун жавобгарликни оғирлаштирувчи нормалар билан тўлдиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни;

г) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг одам савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи 135-моддасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига доир Факультатив протоколга (2000 йил 25 май, Нью-Йорк) имплементация қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги икки ой муддатда ходимларнинг ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар билан ишлаши бўйича методик қўлланма ишлаб чиқсин ҳамда ўз ходимларининг малакасини тизимли равишда ошириб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда:

Бош прокуратура, Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда васийлик ва ҳомийлик органлари тизимини қайта кўриб чиқиб, уларнинг мақомини белгилаш ҳамда фаолиятини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида қатнашиши учун қулай шароит яратиш мақсадида қонун ҳужжатларидаги “вояга етмаган” ва “бола” каби тушунчаларни бирхиллаштириш юзасидан ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини;

уч ой муддатда Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга қулай шарт-шароит яратишга оид миллий ҳаракатлар дастурини тасдиқласин.

16. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссия (О. Б. Муродов) ҳамда Жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро эксперт гуруҳи (А. Ю. Мавлонов) бир ой муддатда тегишли кодекслар ишлаб чиқилишида фойдаланиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида **ювенал адлия тизимини жорий этиш бўйича концепция лойиҳасини** ишлаб чиқсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда меҳнат қонунчилигига кўра ишга кириш ҳуқуқига эга бўлган болаларнинг меҳнатидан фойдаланишда уларнинг ҳуқуқлари кафолатланишини таъминловчи қоидаларни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

19. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. А. Абдуҳакимов ва Т. К. Норбоева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 22 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. “Ягона дарча” БАТнинг самарали ва тўлиқ фаолият юритиши, шунингдек, ваколатли органларнинг назорат пунктларидаги ишларини тизимли ёндашув ва доимий назорат асосида ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Норқобилов), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Қўчқоров), “Ўзстандарт” агентлиги (Сатторов) ва “Ўздавкарантин” инспекцияси (Эргашев) раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ташқи иқтисодий фаолият жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳи) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

4. Ишчи гуруҳи 2019 йил 1 октябрга қадар бўлган муддатда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш, давлат назорати самарадорлигини ошириш, ТИФ иштирокчиларининг харажатларини қисқартириш соҳасида танқидий таҳлиллар ўтказсин ва таҳлиллар якунлари асосида Ташқи иқтисодий фаолият жараёнини такомиллаштириш бўйича концепция ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш учун киритсин. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

ҳаддан зиёд маъмурий тўсиқлар ва давлат органларининг бир-бирини такрорловчи функцияларини бекор қилиш;

ресурслар чекланганлиги шароитида давлат харажатларининг эришилган ёки кутилаётган самарага нисбатини инобатга олган ҳолда, хавф-хатарларни бошқаришнинг тўлақонли тизимини жорий этиш;

“божхона ҳудудида қайта ишлаш” божхона режимини кенг қўллаш;

божхона кўригида товарлар қадоқларини бузиб очиш ҳолатларини қисқартириш.

5. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларидан қуйидагиларни талаб қилиб олиш тақиқлансин:

рухсат этувчи характерга эга ҳужжатларни беришда ва экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда — карантин остидаги маҳсулотларни экспорт ва импорт қилишда зарарсизлантириш (фумигация) далолатномасини;

экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда — ўров варағини;

импорт қилинаётган товарларга ваколатли органлар томонидан рухсат берувчи ҳужжатлар ва мувофиқлик сертификатларини беришда — Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келганлик тўғрисида белги қўйилган товарларнинг кузатув ҳужжатларини (товар-транспорт юк хати, инвойс, ҳисоб-фактура ва бошқалар);

ваколатли органлар томонидан бериладиган ҳужжатларни олишда — ишончномаларни;

импорт товарларига мувофиқлик сертификатини беришда — норматив ҳужжат нусхаси, санитар-эпидемиологик хулоса нусхасини;

ваколатли органлар томонидан рухсат берувчи характерга эга ҳужжатларни беришда — ишлаб чиқарувчи мамлакат тўғрисида сертификатни;

2020 йил 1 январдан бошлаб товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувида, шунингдек, импорт қилинадиган товарларга мувофиқлик сертификатини беришда — халқаро шартномаларда махсус қоғоз бланкаларда расмийлаштиришни талаб қиладиган ҳужжатлардан ташқари, ваколатли органлар томонидан қоғоз шаклида бериладиган рухсат берувчи характерга эга ҳужжатларнинг асли ва нусхалари.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ветеринария рухсатномаларини, фитосанитария ва ветеринария сертификатларини расмийлаштириш учун экспорт қилишдан 30 кун олдин ариза билан мурожаат қилиш зарурати тўғрисидаги талаб бекор қилинади;

карантин рухсати ва экологик сертификатини бериш муддати уларни олиш учун қонунчиликда назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ариза берилган кундан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги керак;

товарлар ва транспорт воситалари, агар мазкур товарлар ва транспорт воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ фитосанитария ва ветеринария назоратига тегишли бўлмаса, уларни фитосанитария ва (ёки) ветеринария назоратидан ўтказиш тақиқланади;

транзит орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи карантин остидаги товарларни карантин текширувидан ўтказиш ҳақ олинмаган ҳолда амалга оширилади;

божхона юк декларацияси “сариқ” йўлакдан “қизил” йўлакка ўтказилган ҳолда, мазкур ўтказишни амалга оширган ходим томонидан божхона текширувини ўтказишга йўл қўйилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда божхона постларида Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан оғир юк ташувчи ва йирик габаритли транспорт воситаларининг ўтиши учун тўловларни автоматик равишда ҳисоблашни амалга оширувчи тизимни яратсин ва унинг фаолият юритишини таъминласин;

божхона постлари орқали кесиб ўтиш вақти тўғрисидаги ҳар ойлик статистик маълумотни ҳар бир божхона пости кесимида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси расмий веб-сайтида эълон қилиш учун ҳар бир автотранспорт воситасининг кириш ва чиқиш вақтини автоматлаштирилган қайд этиш тизимини, шунингдек, юк транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктида божхона расмийлаштируви вақтини тақсимлаш имкониятини берадиган навбатларни бошқариш электрон тизимини жорий этиш орқали божхона постларида автотранспорт воситалари бўлиш вақтининг чекланган муддатини белгиласин;

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда “Ўздавкарантин” инспекцияси билан биргаликда товарларнинг алоҳида турлари учун мўлжалланган лаборатория ускуналари билан жиҳозланган ва энг оптимал манзилларда жойлаштирилган махсус ўтказиш пунктлари ва божхона постларини ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқсин ва зарур ҳолларда уларнинг очилишини таъминласин;

уч ой муддатда Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ва ваколатли органлар билан биргаликда чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратидан ўтишнинг аниқ муддатларини (дақиқаларда) белгилашни, божхона пости ҳудудига кириш ва чиқиш вақтини қайд этиш, шунингдек, бир-бирини такрорловчи назорат функцияларини бекор қилишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида текширув тартиб-таомилларидан ўтиш регламентини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

товарларнинг божхона қийматини хатарларни бошқариш тизимининг хавф кўрсаткичлари қаторига киритсин, шунингдек, қонунга хилоф мақсадларда давлат божхона хизмати органлари мансабдор шахслари томонидан мезонларни манипуляция қилишга йўл қўймаслик бўйича аниқ чоралар кўрсин;

ваколатли органлар билан биргаликда муаммоли масалаларни ечиш учун ташқи иқтисодий фаолият жараёнларининг соддалаштирилиши бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида йилига икки марта Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгашининг йиғилишларида ҳисобот тақдим этиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 15 июнга қадар назорат пунктлари ва ваколатли органларининг бошқа объектларини маълумотларни узатиш тармоғига улашни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Ўздавкарантин” инспекцияси ва “Ўзстандарт” агентлиги маълумотларни узатиш тармоғига уланадиган назорат пунктлари ва ваколатли органларнинг бошқа объектлари дислокацияси тўғрисидаги маълумотни бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва АТ Халқ банки харажатларни тўлиқ қоплашни таъминлаган ҳолда чегараолди божхона постларида кечаю кундуз ишлайдиган, тегишли органлар томонидан чегара постларида кўрсатилган хизматларга тўловларни амалга ошириш, валюта айирбошлаш, пул маблағларини нақд пулга алмаштириш ҳамда бошқа нақд ва нақдсиз ҳисоб-китоб банк операцияларини амалга ошириш имконини берадиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминалларини ташкил қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси:

2019 йил 1 июнга қадар жорий этилаётган рухсатномалар бериш тартиби доирасида ҳар бир турдаги назорат қилинадиган товарни ўрганишнинг алоҳида муддатларини белгилаган ҳолда, назорат қилинадиган товарларнинг ветеринария нормалари ва талабларига мувофиқлигини аниқлашнинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, таснифлашни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда мамлакатимиз ҳудудини юқумли касалликларни қўзғатувчилардан муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида автотранспорт воситаларини замонавий юқори самарали дезинфекция қилиш асбоб-ускуналарини босқичма-босқич ўрнатишни таъминласин.

12. “Ўздавкарантин” инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутган ҳолда, карантинга олинган маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолати ва эпизоотик вазиятини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонларини ва юбориш тартибини белгиланган тартибда тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Ўздавкарантин” инспекцияси ва “Ўзстандарт” агентлиги уч ой муддатда “Ягона дарча” БАТ платформасида ваколатли органлар томонидан танлаб олиш асосида фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария ва экологик назорат ўтказиш имконини берадиган хавф-хатарларни таҳлил қилиш тизимини ишлаб чиқсин, шунингдек, рухсат этувчи ҳужжатлар дастлабки маълумотлардан фойдаланган ҳолда товарлар Ўзбекистон Республикасига амалда етиб келишига қадар берилишини амалга оширсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига маъмурий тартиб-таомиллардан ўтиш қулайлиги ва давлат божхона органлари, шунингдек, уларнинг ходимлари томонидан хизматлар кўрсатишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши, ходимларнинг профессионаллиги ва тезкорлиги, уларнинг аҳоли билан муомала қилиш этикети даражасини мунтазам баҳолаб бориш учун “давлат хизматларининг сирли мижози” институтидан фойдаланган ҳолда чора-тадбирларни ташкил этиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Ўздавкарантин” инспекцияси ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш учун “давлат хизматларининг сирли мижози” мониторинги натижаларининг кўриб чиқилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни тубдан соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 23 апрель

Тарихий Ипак йўлидаги алоқалар кенгаймоқда

1

Хитой Халқ Республикаси Марказий Осиё давлатлари билан “Бир макон, бир йўл” лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишда Буюк Ипак йўли йўналишининг аҳамияти ҳамда жуғрофий ўрнига алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Ўз навбатида, мазкур мегалойиҳанинг рўёбга чиқарилиши минтақа давлатлари ўртасидаги кооперация алоқаларини янада тараққий топтириш ва транспорт-коммуникация йўлакларини кенгайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, “Бир макон, бир йўл” лойиҳасида иштирок этиш Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақа бозорининг улкан салоҳиятини очиш, инвестициялар оқимини кучайтириш, янги иш ўринларини яратилишига, маданий алмашинувларни кенгайтиришга кўмаклашади. Бу эса, табиийки, ўзаро ишонч ва ҳурмат туйғусини ошириб, уйғунлик ҳамда илғор мақсадларга эришилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Хитойнинг ушбу ташаббусини энг биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган. Ўтган вақт мобайнида мамлакатимизга Хитой технологияси ва инвестицияларининг жалб қилиниши эвазига кўплаб муҳим саноат ва инфратузилмавий лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

2016 йилнинг июнида ишга туширилган, Қамчиқ довони бўйлаб ўтган 19 километрдан зиёд туннелни ўз ичига олувчи Ангрен — Поп темир йўли Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг мазкур йўналишдаги энг ёрқин мисолидир. Бу туннель Фарғона водийсининг учта вилоятини Ўзбекистоннинг қолган ҳудудлари билан бевосита боғлаши баробарида, мамлакат транспорт-коммуникация тизими салоҳиятини бирмунча юксалтирган эди.

2018 йилнинг февралидан эътиборан эса экспорт-импорт юкларини ташишда Тошкент — Андижон — Ўш — Иркиштом — Қошғар йўналишидан иборат янги коридор, яъни Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой автотранспорт йўлагидан фойдаланиб келинмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик транспорт-логистика соҳаси билан чегараланиб қолгани йўқ. Турли соҳаларда саноат корхоналари қурилмоқда, молиявий ҳамкорлик амалга оширилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Пекинда бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” биринчи халқаро форумида сўзга чиққан чоғида Марказий Осиёда транспорт, савдо, сармоя, энергетика ва юқори технологиялар соҳасида йирик лойиҳаларни рўёбга чиқаришга қаратилган “Бир макон, бир йўл” концепциясини аниқ минтақавий ривожланиш дастурлари билан тўлдиришдан республикамиз манфаатдор эканини таъкидлаган эди. Уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожида катта имкониятлар эшигини очиши, шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбарининг 24 — 27 апрель кунлари Пекинда бўлиб ўтадиган “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форуми тадбирларида иштирок этиши Ўзбекистоннинг ХХР билан кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириб, республикани замонавий жаҳон иқтисодиётидаги муносабатларини бундан-да ривожлантиради.

«Дунё» АА.

Самарқанд вилояти:

МАҚСАД – АНИҚ, ЛОЙИҲАЛАР – ИСТИҚБОЛЛИ НАТИЖА ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

1

Юртдошларимиз орасида Фредерик хоним ҳақида эшитмаганлар кам топилса керак. Унинг темурийлар тарихи билан боғлиқ тадқиқотлари нафақат юртимиз, балки бутун Европада маълуму машҳур. Самарқандга мафтун бўлганига роппа-роса 42 йил тўлибди. Шу орада кўҳна ва навқирон кентга неча бор келиб-кетганини санаш мушкул.

Хонимнинг Франциядаги уйида меҳмон бўлган дўстларининг айтишича, хонадонида ўзбекистонлик ҳунармандлар ясаган бешикдан тортиб каштаю сўзаналаргача, кўзалардан тортиб обтоваларгача бор. Ҳатто Париждаги номдор маросимлар уйида бўлиб ўтган ўғлининг никоҳ тўйида узун адрас либосда, ўзбек мумтоз ашуласига рақс тушиб, ҳаммани лол қолдирган экан!

Фредерик хоним ўтган йили Самарқандга келганида бир эзгу мақсадни дилига туккан экан. Ҳукуматимизга мурожаат қилиб, ушбу хайрли ташаббусининг қўллаб-қувватланишига эришди. Шу тариқа ўзи раҳбарлик қилаётган ассоциация ташкил этилганлигининг 30 йиллиги яқинда Самарқандда кенг нишонланди. Аммо бу гал шаҳарга бир ўзи эмас, кўплаб француз олимлари ҳамроҳлигида, энг эътиборлиси, ўтган йили мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббусига кўра берилган "Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси" деган шарафли эътироф билан келди.

— Мени Самарқанднинг француз қизи дейишади, — дея таассуротларини баҳам кўради олима. — Бу таърифдан жуда фахрланаман. Ўтган йили менга бу муаззам шаҳарнинг фахрий фуқароси мақоми берилгани ҳаётимда янги саҳифа очди. Доим Самарқандга талпиниб яшайман. Бунинг барчаси ўзбек халқини яхши кўришим туфайли, деб биламан.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз таваллуди санаси арафасида Самарқанд вилоятига уюштирган ижодий сафаримизни ана шундай ёрқин таассуроту самимий дил сўзларини эшитишдан бошладик.

Ғишт қуяётган роботлар

Жомбой тумани ҳудудида пишган ғишт ишлаб чиқариш учун зарур тупроқ захираси бисёр — 1930 минг куб метр! Масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилган "Керамик брикс" қўшма корхонаси айни шу имконият самараси!

Лойиҳанинг умумий қиймати 5 миллион АҚШ долларига тенг. Завод керамик блок ва плиталар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона фаолият бошлаши билан 80 киши ишли бўлди.

Бу ердаги барча мураккаб ва оғир юмушларни роботлар бажаради. Шу жиҳати билан ҳозирча у Ўзбекистонда ягона бўлиб туриб-ди. Технологик жараёнлар тўлиқ компьютерлаштирилган.

Аввало, соз тупроқ сараланиб, тозаланиб лой қорилади. Сўнгра "масаллиқ"қа махсус қолиплар ёрдамида керакли шакл берилади. Мутахассис ва ишчилар зиммасига намлик ва ҳароратни бир меъёрда ушлаб туриш, маҳсулот сифатини назорат қилиш вазифаси юклатилган. Навбатдаги босқичда яримтайёр маҳсулот пишириш цехига ўтказилади. Бу юмушни ҳам роботлар бажаради. Шакл берилган лойни 800 даража иссиқликда тоблаш учун озмунча табиий газ сарфланадими?! Лойиҳа ташаббускорлари бунинг ҳам ҳисобини олишган!

— Корхонамиз муқобил ёқилғи асосида ишлайди, — дейди "Керамик брикс" МЧЖ раҳбари Аброр Нарзикулов. — Бунинг учун кўмирдан фойдаланамиз. Шу туфайли маҳсулотларимиз таннархи пасаймоқда.

Вилоятда биргина ўтган йили хорижий сармоя иштирокидаги 127 та шу каби корхона ташкил этилди. Чунончи, Каттақўрғон шаҳрида ишга туширилган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Metal Solution Technologies" қўшма корхонасида йилига қарийб 1,5 миллион долларлик сантехника жиҳозлари тайёрлаш ўзлаштирилган бўлса, Ургут туманида фаолият бошлаган "Smart hygiene facilities" МЧЖ томонидан болалар учун гигиена воситалари тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, ҳудудий дастурлар доирасида рўёбга чиқарилган 2 триллион 421 миллиард сўмлик 1142 та лойиҳа 10 мингдан зиёд кишиларнинг бандлигини таъминлаш имконини берди.

Маҳаллий тадбиркор «Samarkand city»дан буюртма олди

"Samarkand city" — Президентимиз ташаббуси билан барпо этилаётган туризм зонаси. У шаҳарнинг Амир Темур кўчаси ёнида, 14 гектар майдонда қад ростламоқда.

● Президент ташрифидан сўнг ишлаб чиқилган ривожлантириш дастурларига мувофиқ, вилоятда иссиқхона йўналишида 211,3 гектар майдонда 87 та, умумий қиймати 1 трлн. 393 млрд. 191 млн. сўмлик лойиҳа амалга оширилиб, 1843 кишининг бандлиги таъминланади.

Бунга етарлича асослар бор! Гап шундаки, ушбу кичик бизнес субъекти маррани катта олиб, мақсадни қатъий қўйди — биринчи бўлиш! Бунга эришди ҳам. Уч йил аввал Самарқандда биринчи бўлиб темир қувур ва профиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб эса Ўзбекистонда биринчи бўлиб зангламайдиган қувур ва профиллар тайёрлашни ўзлаштирди. Бунинг учун 500 минг доллар маблағ эвазига Хитойдан илғор технологик линия келтириб ўрнатди. Йиллик ишлаб чиқариш қувватини 8 минг тоннага етказиш ниятида 32 нафар ишчи-мутахассисни корхонасига жалб қилди. Шу тариқа маҳаллий тадбиркор Абдусаид Ҳимматовнинг истиқболли лойиҳаси амалга ошди.

— Зангламайдиган металл ташқи таъсирларга чидамли, ўнчамунчага емирилмайди, енгил, айни пайтда мустаҳкам, — дейди МЧЖ раҳбари А. Ҳимматов. — Бундай хом ашёдан тайёрланган қувур ва профиллар турли конструкцияларни ясашда қўл келади. Шу билан бирга, кўп йиллар жозибадорлигини йўқотмайди. Лойиҳамизнинг ўзига хос жиҳати шундаки, юртимизда бу турдаги маҳсулотни ҳозирча фақат биз ишлаб чиқаряпмиз. Уч хил ўлчамдаги ушбу маҳсулотимиз сифати хорижникидан асло кам эмас. Энг муҳими, нархи импорт ҳисобига келтирилаётган турдошларига нисбатан икки баробар арзон. Ишлаб чиқариш жараёнини бошлаганимизга энди тўрт ой бўлди. Шунга қарамай, ҳадемай, ташқи бозорга ҳам чиқамиз!

Бир ҳужайрадан 10 миллион туп ниҳол унадими?

"Галла осиё нон" масъулияти чекланган жамияти томонидан Жомбой туманида ташкил этилган лабораторияда амалга оширилаётган илмий-тажрибавий тадқиқотлар ҳайратланарли. Замонавий биотехнология фани ютуқлари асосида ўсимликларни ildиз ҳужайраларидан кўпайтиришга мўлжалланган In vitro технологияси билан танишиб, ажабланмай бўлмайди.

— Бу усулнинг биринчи афзаллиги ўсимликларни йилнинг 12 ойида ҳам кўпайтириш мумкин, — дейди Жомбой тумани ҳокимлиги бўлим бошлиғи Камолиддин Орзиев. — Иккинчидан, In vitro технологияси асосида ўсимликлар вирус, бактерия, замбуруғдан холи қилиб яратилади ва ҳар қандай касалликка чидамли бўлади. Масалан, танланган битта ўсимлик шохчасидан ўн мингта, юз мингта, миллионта, ҳатто ўн миллионтагача худди шу навдаги, турдаги ўсимликни кўпайтириш мумкин. Яна бир хусусияти, In vitro шароитида помидору бодрингдан тортиб юз йиллаб умр кўрувчи акация ва чиноргача, қисқаси, исталган ўсимликни кўпайтириш мумкин. Энди тасаввур қилинг, бирор мева ё сабзавотнинг чет элдан келтирилган энг ҳосилдор навини иқлим шароитимизга мослаштириб, касалликларга чидамли қилиб кўпайтириб, далаларимизга эксак, бундан давлат ҳам, аҳоли ҳам бирдек манфаат кўради. Жомбойдаги In vitro лабораторияси айни шу жиҳати билан аҳамиятлидир.

Ҳозир туманда Президентимизнинг 2017 йил 1 июндаги "Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида яна бир шундай катта лаборатория қуриляпти. Бу ерда серҳосил ёнғоқ ildиз ҳужайраларидан In vitro усулида кўчатлар етиштириш учун сарфланган энергия ресурслари анча арзон. Тежамкор усулда суғориш ва озиқлантириш тизими мавжуд. Ёритиш ва суғориш учун махсус қуёш панелларидан фойдаланиш мумкин.

Тумандаги "Даромад бахт омад" масъулияти чекланган жамияти айни шу фаолият турига ихтисослаштирилган. Ихтиёрида 10 гектар ери бор. Шундан 2 гектарида гидропоника ва замонавий усулда, Жанубий Корея технологияси асосида помидор ҳамда бодринг парваришламоқда. Бу ерда 45 киши иш билан банд. Маҳсулотларини Россия ва Қозоғистонга экспорт қилади.

Президентимиз ўтган йилнинг 17 март куни вилоятга ташрифи доирасида мазкур иссиқхона билан танишиб, мутасаддиларга тадбиркор Шуҳрат Ибрагимов фаолиятини кенгайтириш учун амалий ёрдам кўрсатиш вазифасини юклаган эди. Бу орада тадбиркор ўз маблағи ҳисобидан бўш ерининг яна бир қисмида иссиқхона қурилишини амалга оширяпти. Корея Республикасидан зарур технологияларни келтирди.

— Россиялик ҳамкорлар билан шу йил 1000 тонна маҳсулот етказиб бериш бўйича экспорт шартномаси тузганмиз, — дейди Ш. Ибрагимов. — Ушбу давлатдан янги харидорлар ҳам топиб қўйганмиз. Бироқ улар талаб қилган миқдорда ҳосил олиш учун жамиятимиз ихтиёридаги бўш ерлардан тўлиқ фойдаланишимиз зарур. Бунинг учун кредит маблағига эҳтиёжимиз бор. Банк мутасаддилари бу масалани тезроқ ҳал қилиб беришса, бўш ерларимизнинг "умри" беҳуда ўтмаган бўларди.

Биз ишбилармонга ҳафтанинг ҳар жума кунида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармасида Самарқанд вилояти ҳокими иштирокида тадбиркорлар муаммоларини ҳал этиш мақсадида ўтказиладиган мулоқот ҳақида эслатдик. Чунки шундай тадбирлардан бирида қатнашиб, маҳаллий тадбиркорларнинг кўплаб муаммоли масалалари жойида ечим топганига гувоҳ бўлганимизни айтдик.

Тошлоқ ерда помидор пишди

Оқдарё тумани пахтадан озод қилинганига бир неча йил бўлди. Туманнинг зах, тошлоқ ерлари эса гидропоника, яъни тупроқсиз усулда ҳосил етиштиришга жуда мос. Бу эса ҳудудда иссиқхоналарни кенгайтириш имконини бермоқда. Гидропоника типидаги "ойнаванд дала"ларнинг афзаллиги шундаки, махсус унумдор ерга зарурат йўқ. Тўлиқ автоматлаштирилган назорат тизими билан бошқарилади. Жойдан максимал даражада фойдаланиш имконияти мавжуд. Маҳсулот етиштирилади. Айни пайтда 120 дан зиёд ёнғоқ кўчатлари экилиб, илмий текширувдан ўтказилаётир.

Умуман, ҳозирги кунда вилоятда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган топшириқ ва вазифалар асосида ёнғоқзорларни кўпайтириш чоралари кўрилаётир. Чунончи, Жомбой туманидаги "Саг Агро" МЧЖ томонидан 500 гектар майдонда ёнғоқнинг экспортбоп ва ҳосилдор "Чандлер" ҳамда "Кеско" навлари парваришланаётган бўлса, Қўшработ туманидаги "Oqtepa unumdor zamin" фермер хўжалиги ҳам 8 миллиард сўмлик лойиҳа асосида 500 гектар майдонда ёнғоқзорлар ташкил этяпти.

«The Guardian» танловининг сири нимада?

Эшитиб ҳайратландик. Тожикистоннинг Хатлон вилоятида яшовчи ўқитувчи Умарали Зулфов 34 йилдан бери ўз уйида Самарқанд нонини сақлаб келаётган экан. "Азия Плюс" нашри хабарига кўра, 1985 йилда иш юзасидан қадимий Самарқанд шаҳрига ташриф буюрган Умарали ака сафардан гўзал таассуротлар ҳамда каттакон нон олиб кетади.

— Мен бу нонни биродар халқларимиз дўстлиги рамзи сифатида эҳтиётлаб келдим, — дейди у. — Ҳар сафар унга кўзим тушганида Самарқандда ўтказган ажойиб кунларимни ёдга оламан. Нонни ўз ҳолича сақлаш учун вақти-вақти билан кунгабоқар ёғи суриб, қуёшга тоблаб оламиз.

Мана, сизга бетакрор юртимизнинг оҳанрабоси! Буюк Британиянинг етакчи нашрларидан бири "The Guardian" 2019 йилда дам олиш учун бориш лозим бўлган ҳудудлар рўйхатига Самарқандни киритганининг яна бир сири шу эмасмикан?!

Қизиқ маълумот: ўтган йили вилоятга 351 минг нафар, яъни 2017 йилдагига нисбатан икки баробар кўп хорижий сайёҳ ташриф буюрибди. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Вилоят туризмни ривожлантириш департаменти маълумотига кўра, воҳада туризм объектлари кўп — 541 та. 121 меҳмонхона ва 28 та меҳмон уйи сайёҳлар хизматида. Юздан зиёд ресторан ва чойхоналар ишлаб турибди. "Сўғдиёна" истироҳат боғи ҳудудида аквапарк ташкил этилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида туроператорлар сони 39 тага кўпайди. Бундан ташқари, Самарқанд — Истанбул — Самарқанд янги авиарейси, Самарқанд — Тошкент — Нур-Султон ҳамда Самарқанд — Тошкент — Москва йўналишлари бўйича поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Жорий йилда янада қизиқарли ва истиқболли лойиҳалар устида иш олиб борилаётир. Масалан, Римдаги Колизей амфитеатрига киришни истаганлар дунёнинг исталган нуқтасидан туриб, чипта харид қилишлари мумкин. Бу тажрибани нега бизда қўллаш мумкин эмас? Шу мақсадда мутасаддилар тарихий обидаларга кириш учун электрон чипта савдосини йўлга қўйиш ҳаракатида. Яна бир шундай қизиқарли лойиҳалардан бири рўёбга чиқарилса, МДҲ мамлакатларидан келадиган сайёҳларга "дўстлик ва бирадарлик" мезони асосида кириш чипталарини маҳаллий сайёҳлар билан тенг баҳода сотиш йўлга қўйилади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.



● Жорий йилда вилоятда туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига 55 та лойиҳа амалга оширилади ҳамда бунинг ҳисобидан 1200 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Албатта, ҳар бир ҳудуд ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ривожланиш салоҳиятига эга. Сўз юритганларимиз эса Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган хайрли ишлардан бир шингил, холос. Тўғри, ҳали ҳудудда қилиниши лозим бўлган юмушлар, ўз ечимини кутаётган муаммоли масалалар кўп. Воҳанинг каттакичик мутасаддилари, секторлар раҳбарлари уларни оқилона ҳал этиш учун енг шимариб ишга киришган. Амалий натижаларини эса вақт кўрсатади.

Фаррух БЎТАЕВ,
Умид СОРИЕВ
(«Халқ сўзи»).

● 2018 йил давомида вилоятда 11 трлн. 871,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари, 7 трлн. 348,3 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, ҳар икки йўналишда ўсиш суръатлари **108** фоиздан ошди.

● Президентимизнинг 2019 йил 11 январда Самарқанд вилоятига ташрифи давомида ишлаб чиқилган ривожлантириш дастурлари доирасида қишлоқ хўжалиги соҳасида **2 трлн. 476 млрд. 721 млн. сўмлик 335 та** лойиҳа ишлаб чиқилди. Уларнинг ижроси **4 минг 327 та** иш ўрни яратилишига асос бўлади.

● Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда инвестиция дастурлари доирасида **503 млрд. сўмлик 101 лойиҳа** рўёбга чиқарилди. Натижада **1700 дан зиёд** иш ўринлари яратилди.

Бўкадаги мактабларга марказий театрлардан мутахассислар жалб этилади

«Президент томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳияти, уни ҳаётга татбиқ этиш, ёшларни маънавий баркамол ва китобхон этиб тарбиялаш масалалари». Бўка туманидаги Маданият саройида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шундай номланди.

Давра суҳбати

Маълумки, ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун маънавий тадбирлар, компьютер саводхонлиги ҳамда интернет марказлари, спорт тўгараклари, китоб дўконлари ташкил этиш, кутубхоналар фаолиятини яхшилаш ва бошқа қатор масалаларда таклиф қилинаётган ҳар бир лойиҳани амалиётда самарали қўллаш мақсадида Бўка тумани тажриба-синов тариқасида танлаб олинган эди. Айни пайтда бу ҳудудда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раиси Қаҳрамон Қуронбоев ҳамда бошқалар олиб борилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг эканлигини, давр уни янада такомиллаштириш лозимлигини тақозо этаётганлигини айтиб ўтдилар. Шу муносабат билан тадбирда бир қатор таклифлар ўртага ташланди. Масалан, ёшлар етакчилари таъсири мактабнинг филиалларида сезилмаяпти. Шу муносабат билан филиалларда ҳам бу лавозимни ташкил қилиш лозим. Ёшларда китобхонликка қизиқишни ортириш, бадиий тафаккурни бойитиш мақсадида ҳар бир мактабда ҳаваскорлик драма тўгараклари очиш ҳақидаги таклиф кўпчиликка маъқул бўлди. Анжуманда саҳналаштириладиган асарлар рўйхатини шакллантиришга келишиб олинди.

Тўғри, бадиий асарни саҳналаштириш осон иш эмас. Айни вақтда ҳеч ким болалардан етук саҳна кўринишлари кутаётгани ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, саҳнада асарнинг мазмун-моҳияти ва мундарижасини яққол акс эттириш лозим. Бунда ёшларда малакали актёр ва режиссёрларнинг кўмагига эҳтиёж сезилади. Мазкур масалани мутасаддилар ҳал қиладиган бўлди. Пойтахтимиздаги марказий театрлардан етук мутахассислар мактабларга жалб қилинади.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият уйлари, спорт мактабларининг моддий-техника базаси талабга тўлиқ жавоб бермайди. Умумтаълим мактабларининг спорт заллари имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Мазкур муаммоларни ҳал этиш йўллари белгиланди.

Давра суҳбатида ўртага ташланган масала шу куни туманнинг чекка мактабларида учрашув ўтказган тарғиботчилар гуруҳи учун ҳам бош мавзу бўлиб хизмат қилди. Бундай тадбирлар туманда мунтазам равишда ташкил этилмоқда.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ
(«Халқ сўзи»).

Жанубий Корея Президентининг университетимизга ташрифи унутилмас воқеадир

1

Ушбу таълим даргоҳида беш йилдан буён ўқув ишлари бўйича проректор сифатида фаолият юритиб келмоқдаман ва бундан фахрланаман. Зеро, бу ерда ўзбекистонлик педагог-мутахассислар билан бирга, дунёнинг машҳур университетларида таҳсил олган Жанубий кореялик, АҚШлик, франциялик, болгариялик, ҳиндистонлик ҳамда бошқа кўплаб мамлакатлардан келган ўқитувчи-профессорлар ёшларга сабоқ беришади.

Шу ўринда Ўзбекистондаги таассуротларим ҳақида ҳам тўхталсам. Аввало, университетдаги ажойиб муҳит ва ёшларнинг билимга чанқоқлиги мени доимо мамнун этади. Дарс ўтиш жараёнида шунга амин бўлдимки, Тошкент шаҳридаги Инҳа университетидаги талабалар интилувчанлиги жиҳатидан ҳеч кимдан кам эмас. Агар улар Жанубий Кореядаги бориб ўқиганларида ҳам, шубҳасиз, энг аълочи, энг фаол талабалар қаторида бўлишарди. Менга ёққан иккинчи жиҳат, ишлаш учун ўқитувчи-профессорларга ҳамда ўқиш учун талабаларга яратилган шарт-шароитларнинг юқорилигидир. Қисқача айтганда, Ўзбекистондаги педагогик фаолиятим менга завқ бағишлайди.

Университетда ҳар томонлама ривожланишнинг янги босқичи бошланди, десам янглишмайман. Келгусида бу ерда янги бакалавриат ва магистратура йўналишларини очиш, илмий лабораториялар ташкил қилиш, халқаро илмий грантларда иштирок этиш ҳамда кореялик мутахассислар билан бирга рақамли кутубхона яратиш орқали таълим муассасасининг илмий салоҳиятини кучайтириш режалаштирилган. Телемедицинанинг жорий қилиниши масофадан туриб беморларни даволаш бўйича таълим ва илмий тадқиқотларга кенг йўл очиш билан бирга, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Чо Ву СУГ,
Тошкент шаҳридаги
Инҳа университетининг
биринчи проректори.

ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ 2018 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

1

Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар, кўрилган чоралар ҳамда амалий натижасида Давлат бюджетига қўшимча 4 триллион 721,9 миллиард сўмлик даромад манбалари аниқланиб, ўтган йилда бюджетга режалаштирилган 9,1 триллион сўм қўшимча манба ҳудудлар бўйича 9,8 триллион сўмга таъминланди. Шунингдек, Давлат бюджети даромадларига тушумлар тўлиқлигини таъминлаш ҳамда қўшимча захираларни сафарбар этиш юзасидан тизимли назорат ўрнатилиб, республика бўйича 2018 йилда бюджетга 54 триллион 194 миллиард сўм солиқ тушумлари жалб қилинди.

Натижада маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноздан ошириб бажарган қисми ҳисобидан 2017 йил ва ундан олдинги даврларда ҳудудий ҳокимликлар ихтиёрида 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳам қолмагани алоҳида таъкидланиб, 2018 йилда маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қарийб 5,6 триллион сўм маблағлар қолдирилгани депутатлар томонидан эътироф этилди.

Шу билан бирга, парламент вакиллари йўл қўйилаётган айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратди. Хусусан, бюджет даромадларини кўпайтириш имкониятларини излаш, мавжуд дастакларни ишга солиш ўрнига Давлат бюджетидан берилган маблағлар мақсадсиз ва самарасиз сарфланишига йўл қўйилаётгани, мутасаддиларнинг ушбу муҳим масалага эътиборсизлик билан қараётгани ва бошқа камчиликлар депутатлар томонидан кескин танқид қилинди.

Давлат бюджетининг маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрида қолдирилган қўшимча даромадлар ҳисобидан маблағларнинг сарфланиши юзасидан 4 та ҳудудда (Фарғона, Қашқадарё вилоятлари, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Сергели туманлари) ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, 49 миллиард сўмлик самарасиз сарфланган харажатлар, харид қилинган товар-моддий бойликлар камомади, қурилиш-таъмирлаш ишларига қўшиб ёзишлар ва бошқа камчиликлар кузатилган.

Қўшимча манбаларнинг камида 40 фоизи, биринчи навбатда, аҳолини иш билан таъминлаш тадбирларига ажратилиши юзасидан ҳукумат топшириғи мавжуд бўлишига қарамасдан, ўрганилган ҳудудларнинг бирортасида ҳам ушбу йўналишга маблағ сарфланмагани халқ вакилларининг эътирозига сабаб бўлди.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари Ҳисоб палатасининг 2018 йилги ҳисоботини тинглаб, ўз муносабатини билдирдилар. Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида аҳолига кредитлар берилишида адолат ва шаффофлик тамойиллари устуворлигига эришиш, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларнинг дастлабки таннархи шаклланиши жараёнини, энг аввало, эҳтиёжманд оилаларга тақсимланаётганини, барпо этилаётган уй-жойларнинг сифатини назоратга олиш таклифини илгари сурди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари Ҳисоб палатаси томонидан маҳаллий бюджетларнинг ижроси ўрганилганда қатор камчиликлар аниқланганига эътибор қаратар экан, жойларда ҳокимликларнинг маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш чора-тадбирларини излашга, мавжуд имконият ва резерв-ларни ишга солишга ҳамда Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарф қилинишини таъминлашга эътиборини янада кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга имтиёзли кредит линиялари учун Давлат бюджетидан ажратиладиган мақсадли маблағлар салмоғи ошганини эътироф этиб, мазкур соҳани янада жадаллаштириш таклифини билдирди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари Ҳисоб палатасининг жойларда амалга оширилаётган давлат ва ҳудудий дастурлардаги лойиҳаларни жадаллаштириш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан тизимли ишлар олиб бориши натижасида 36 та лойиҳа бўйича кредит, 10 та лойиҳа бўйича ер майдонлари ажратилишида, 10 та лойиҳа бўйича муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш ҳамда божхона ҳужжатларини расмийлаштиришни таъминлашда амалга оширган фаолиятини эътироф этди.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари Ҳисоб палатаси томонидан 2018 йилда амалга оширилган назорат тадбирлари ва кўрсатмалари асосида амалдаги бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганига ҳамда тегишли идоравий меъёрий ҳужжатлар тайёрлангани келгусида молиявий соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, уларга йўл қўймасликда муҳим аҳамиятга эгалигини эътироф этиб, марказда ва жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш борасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ҳисоб палатасининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини янада ошириш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2018 йилги ҳисоботи маъқулланди. Билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2018 йилги ҳисоботини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ДЕПУТАТЛАР БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

1

Бошқача айтганда, асосий эътибор халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган шахслар ёки табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита дахлдор ижтимоий масала бўлганлиги боис улар фаолиятини қонун доирасида тартибга солиш, ҳуқуқий мақомини белгилашдир. Таҳлилларга қараганда, халқ табобати фаолиятининг мувофиқлаштирилмаслиги ва назорат қилинмаслиги ҳамда айрим табиблар томонидан сифатсиз хизматлар кўрсатилиши истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда. Буни Олий суд томонидан 2010 — 2017 йилларда табиблар хизматларидан фойдаланувчи аҳолининг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ 1529 та иш кўриб чиқилгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳаси халқ табобати соҳасини тартибга солувчи қонунчиликни шакллантиришга асос бўлади. Шунингдек, халқ табобати усулида хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тиббий фаолиятни лицензиялаш учун белгиланган тартибда тиббий таълим маълумоти мавжудлиги талабидан ташқари амалга оширилишига, Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган хизмат кўрсатиш ҳажми ва тартибига, санитария қоида ва нормаларига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатилишига, сохта табиблар фаолиятига чек қўйилишига имкон беради. Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисда биринчи ўқишда кўриб чиқилган навбатдаги масала — “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамаларга бой бўлди.

Қайд этилганидек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини шахсий мулк сифатида бериш, амалдаги ер бозорини такомиллаштириш бозор иқтисодиёти ва таркибий ўзгартиришларнинг асосий элементларидан биридир. Хусусий мулкни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини фуқаролик муомаласига киритиш, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, тадбиркорлик субъектларига кенг инвестицион имкониятларни очиш мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсадини ифодалайди. Қонун лойиҳаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини фуқаролик муомаласига жалб қилиш йўли билан келгусида тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий имкониятларини кенгайтиришга, хусусий мулкчиликни ривожлантиришга, унинг унумли фойдаланилишини таъминлашга йўналтирилган. Шу билан бирга, фойдали қазилма конлари, давлат мулкига тегишли бўлган хусусийлаштирилмайдиган стратегик объектлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, рекреацион, тарихий-маданий мақсадларда, ўрмон ва сув фонди ерлари, шунингдек, эркин иқтисодий, кичик саноат зоналари иштирокчиларига берилган ер участкалари хусусийлаштирилмайди.

Қонун лойиҳаси доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида ваколатли органлар доираси, уларнинг ваколатлари ва ҳамкорлиги белгиланади.

Мажлисда кўриб чиқилган яна бир масала ўзининг долзарблиги билан диққатга молик бўлди. Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан мамлакатимиз ҳудудларига чиқилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш аҳволини ўрганиш ишлари давомида кўпгина жойлардаги умумтаълим мактабларида тиббий хизмат етарли ташкил қилинмагани, чунончи врач педиатр ва мактаб ҳамшираси штати жуда кам миқдорда ажратилгани, натижада кўпгина мактабларда тиббиёт хонаси фаолият юритмаётгани аниқланди.

Қайд этиш жоизки, таълим муассасаларида тиббий ходим фаолиятининг самарали ташкил қилиниши вояга етмаганлар ўртасида касалликларни эрта аниқлаш, профилактика қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Мажлисда депутатлар муаммонинг кўлами ҳамда долзарблигини инобатга олган ҳолда, ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Абдуҳакимовга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Умумтаълим мактабларида тиббий хизмат кўрсатиш ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги парламент сўровини юборишга қарор қилдилар.

Мажлисда депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Коррупцияга қарши курашишга оид назорат кучайтирилади

Коррупция жамият ривожига жуда катта хавф солади. У бутун дунёда кескин қораланади. Мамлакатимизда ҳам ушбу иллатга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунда, айниқса, коррупцияга қарши курашишнинг қонунчилик негизларини мустаҳкамлаш, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сенатор минбари

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларни эндиликда парламент юқори палатасида янгидан ташкил этилган қўмита ҳам ўз назоратига олади.

Гап шундаки, Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси негизида тузилган Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси барча бўғиндаги давлат идораларида коррупцияга қарши курашишга оид фаолиятнинг самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали уларда коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантиришни назарда тутади.

Шунингдек, қўмита Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан келиб тушган суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда қонунчилик, давлат ва жамият қурилиши соҳасига оид қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиб, тегишли таклифларни Сенат Кенгашига киритади. Бундан ташқари, соҳага оид қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг ижроси, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши устидан тизимли парламент назоратини рўёбга чиқаради.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва чек қўйиш, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарали бажарилишига кўмаклашади.

Амалдаги қонун ҳужжатларида коррупцияга имкон берувчи ва шарт-шароит яратувчи ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида ўрганишлар ўтказиш ҳам унинг зиммасидаги вазифалардан саналади.

Қўмита аъзолари коррупция ҳолатлари ва унга қарши курашиш тўғрисида жисмоний ҳамда юридик шахслардан келиб тушаётган ҳужжатлар, бошқа материалларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш учун ҳам масъул ҳисобланади.

Қўмита мажлисларида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари мансабдор шахсларининг бу иллатнинг айни пайтдаги ҳолати ва тенденциялари ҳақидаги ахборотлари эшитилади.

Янги тузилма фаолиятида чет эл давлатлари парламентларининг тегишли қўмиталари ёки комиссиялари билан ҳамкорлик қилиши назарда тутилган.

Умуман, қўмитага долзарб вазифа ва масалалар юкланган. Уларнинг самарали ижроси мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш, соҳанинг қонуний асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Исломиддин АБРАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси.

Ҳаж нархи арзонлашди

Юртимизда сўнгги йилларда мўмин-мусулмонларнинг Умра, Ҳаж зиёратларини адо этишлари учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қулайлик

Мисол учун, 2016 йилда мамлакатимизда 5200 киши муқаддас Ҳаж амалларини бажариб келган бўлса, 2017 йилдан бошлаб 7200 нафар юртдошимиз ислом динининг муқаддас арконларидан бирини адо этиш имконига эга бўлди.

Илгари Умра зиёратига фуқароларимиз чекланган квота асосида юборилар эди. Ўтган йилдан эътиборан уларни йил давомида квотасиз Умра зиёратига жўнатиш имконияти яратилди.

Шунингдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига асосан, фуқароларимизга Ҳаж ва Умра сафари мобайнида кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада ошириш, **сарф-харажатларни арзонлаштириш** мақсадида махсус ишчи гуруҳи ташкил этилиб, Саудия Арабистонидаги ширкатлар билан музокаралар олиб борилди.

2018 йилда фуқароларимиз учун Ҳаж зиёратини амалга ошириш харажатлари 38 миллион сўмни ташкил қилган эди. 2019 йилдан Саудия Арабистонида барча хизматларга 5 фоизли қўшилган қиймат солиғи ва меҳмонхоналарга 2,5 фоизли солиқ киритилди. Шунга кўра, бу йил Ҳаж зиёрати сарф-харажатлари тахминан 42-43 миллион сўм бўлиши кутилаётган эди.

Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати натижасида жорий йилдан Ҳаж сафари харажатлари 33,3 миллион сўмгача туширилди. Яъни Ҳаж ибодатини амалга оширишни 10 миллион сўм арзонлаштиришга эришилди. “Ҳаж — 2019” мавсумидан сўнг Умра сафари 1,3 миллион сўмга арзонлаштирилди. Шунингдек, “Ҳаж — 2018” тўловидан ортган 926,5 минг сўм миқдоридаги маблағ ҳар бир зиёратчига қайтариб берилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда фуқаролар манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган эзгу ишларнинг амалий ифодаси бўлди.

«Халқ сўзи».

Махсус-тактик ўқув

Айни кунларда “Фориш” полигонида Ўзбекистон, Покистон ва Туркия ҳарбий хизматчилари махсус-тактик ўқув машғулотларида иштирок этмоқда.

Ҳамкорликдаги машғулотларга старт берилди

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати сурати.

“Ҳамдўстлик қалқони — 2019” деб номланган ҳамкорликдаги ушбу тадбирнинг очилиш маросимида Мудофаа вазирлиги марказий аппарати ҳамда Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги вакиллари, Покистон ва Туркиянинг Ўзбекистондаги ҳарбий атташелари қатнашди.

Ўқув машқларида ҳарбий хизматчилар жаҳонда ва минтақада кескин ўзгариб бораётган ҳарбий-сиёсий вазият, миллий ҳамда глобал хавфсизлик соҳасида рўй бериши мумкин бўлган хатар ва таҳдидларга қарши курашишнинг энг маъқул усул ҳамда услубларини қўллаш борасида ўзаро тажриба алмашадилар.

— Осиёда энг илғор ҳисобланувчи Ўзбекистон армияси билан тажриба алмашиш биз учун муҳим аҳамиятга эга, — дейди Покистон махсус бўлинмаси командири Салмон Тариқ. — Ўйлайманки, бир неча кун давом этадиган ҳамкорликдаги махсус-тактик ўқувлар учала томон учун ҳам бирдек манфаатли бўлади.

Очилиш маросими якунлангач, меҳмонлар полигонда экстремал шароитларда яшовчанликни сақлаш бўйича яратилган кўргазмали воситалар билан танишди.

Кеча полигон ҳудудида ўзаро тажриба алмашиш жараёнлари бошланди. Учала давлат ҳарбий хизматчилари машғулотларнинг асосий қисми бўлиб ўтадиган ҳудудни ўрганиб чиқишди.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, Покистон ва Туркия қуролли кучлари ўртасида ҳарбий ҳамкорлик режасига мувофиқ ташкил этилган мазкур машғулотлар 27 апрелга қадар давом этади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, 2017 йилнинг октябрь ойида “Фориш” полигонида Россия ва Ўзбекистон мудофаа идоралари тоғ-ўқчи бўлинмаларининг ҳамда 2018 йил июль ойида юртимиз ҳарбий хизматчилари билан қозоғистонлик ҳамкасблари ўртасида ҳамкорликдаги машғулотлар ўтказилган эди.

Тимур НАРЗИЕВ.

Экипаж «Ҳарбий олимпиада»га тайёрланяпти

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари шу йилнинг 3 — 17 август кунлари бўлиб ўтадиган V халқаро армия ўйинлари доирасидаги энг нуфузли мусобақа — “Танк биатлони”да илк бор қатнашади.

Нуфузли мусобақа

Танк биатлони — танк экипажлари ўртасида танкни бошқариш ва унга ўрнатилган асосий ҳамда захира қуролларидан мўлжалга аниқ отиш бўйича амалий мусобақа ҳисобланади.

Ўзбекистонда бундай беллашув, асосан, 2018 йилдан ўтказила бошланди. Бунинг учун ўтган йили Тошкент ҳарбий округининг “Чирчиқ” полигонида халқаро стандартларга мос майдон бунёд этилиб, Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги миқёсида дастлабки мусобақа ташкил қилинди.

Ўтган йилги Халқаро армия ўйинларининг Танк биатлони йўналишида ҳарбий хизматчиларимиз кузатувчи сифатида иштирок этишган эди. Жорий йилда эса 4 та танк экипажи (3 таси асосий ва биттаси захира) ўз салоҳиятини намойиш қилади.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизматидан олинган маълумотга кўра, V халқаро армия ўйинлари 10 та давлатда, жумладан, Россия, Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Хитой, Мўғулистон ҳамда биринчи бор Ўзбекистонда бўлиб ўтади. Юртимиз ўз ҳудудида Ҳарбий-тиббий эстафета йўналиши бўйича мусобақаларга мезбонлик қилади.

Жорий йилнинг февраль-март ойларида “Чирчиқ” полигонида уюштирилган саралаш босқичида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида энг юқори кўрсаткичларни қайд этган 4 та танк экипажи (танк командири, мўлжалга олувчи-оператор, механик ҳайдовчи) танлаб олинди. Ҳозирги вақтда улар Марказий ҳарбий округнинг “Фориш” полигонида якка тартибда пойга ва эстафета турлари бўйича Т-72 танкларида интенсив амалий тайёргарлик олиб боришяпти.

Шавкат ОРТИҚОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6